Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 17-mart, seshanba, № 35 (3540)

*Ўзбекистон-нинг меҳ-мондўст, меҳ-натсевар халқи абадий қадрият-ларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган.*

**Ислом КАРИМОВ**

**Наврўз — 2015**

***Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 февралда қабул қилинган «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори Наврўз байрами арафасида шаҳару қишлоқларимизни ободонлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, беғараз ёрдам ва меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.***



ЎзА суратлари

# ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ ИФОДАСИ

## Мамлакатимизда 14-15 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 18 миллиондан зиёд юртдошимиз иштирок этди

Мазкур қарор ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 мартдаги фармойишига биноан мамлакатимизда эълон қилинган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари барча туман ва шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим масканларида уюшқоқлик билан ўтказилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга қараганда, ҳашар кунлари қирқ уч минг гектардан ортиқ майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йигирма олти минг километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланиб, тўққиз мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. Ўн олти мингга яқин махсус техника воситаси ёрдамида қарийб олтмиш минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндиси белгиланган жойларга чиқариб ташланди.

Ҳашар йўли билан бир юз элликдан ортиқ объектда амалга оширилаётган реконструкция ишлари якунига етказилиб, янги маҳалла идоралари, гузарлар, савдо дўконлари, "Гўзаллик салони", "Оталар чойхонаси", дорихона, тўйхоналар, болалар майдончалари, ишлаб чиқариш цехлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида «Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат» шиори остида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари томонидан ўн миллиондан ортиқ манзарали, саккиз миллиондан зиёд мевали дарахт, ўн икки миллионга яқин гул кўчати ўтказилди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимида меҳнат қилаётган ходимлар ўз иш жойлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторийлар ҳудудларига беш миллионга яқин мевали ва манзарали дарахт, икки юз ўттиз беш мингдан ортиқ гул ниҳоли экди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан 100 ёшга тўлган онахон ва отахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Оммавий ҳашарда, айниқса, ёшлар фаол иштирок этди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган «Юртимни обод этаман» акцияси доирасида "Ҳар бир ёшга бир ниҳол" ҳамда "Ҳашар ёшларга ярашар" лойиҳалари минглаб ёшларни бирлаштирди. Фаол ва ташаббускор ёшлар ҳашар кунлари «Камолот» ва ёшлар боғлари, қабристон ва зиёратгоҳларни тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида қатнашди.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Маҳалла» жамоат фондининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағлар кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар атрофи, гузарлар, мавзелар, болалар майдончалари, зиёратгоҳларни ободонлаштириш каби хайрли ишларга йўналтирилади.

**ЎзА**

●○●●▶ 2

**Сайлов — 2015**

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 16 март куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.***

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Н.Абдуллаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда саноатни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қайта кўриб чиқиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экин майдонлари унумдорлигини ошириш, фермер хўжаликларини кўптармоқли хўжаликларга айлантиришни давом эттириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамлар турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент вилояти ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Вилоятда ёқилғи-энергетика мажмуаси, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналар фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг «General Motors» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган автомобил двигателлари заводи, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми изчил ўсмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида бундай субъектлар ва уларнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси тобора ортиб бораётир. Фермер ва деҳқонлар нафақат вилоят, айни чоғда пойтахтимиз аҳолисини ҳам мева, сабзавот, узум, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Меҳнат фахрийси С.Салоҳиддинов, Бўка туманидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари С.Сайдуллаев ва бошқалар вилоятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунёдкорлик туфайли шаҳар ва қишлоқлар замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бораётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.САМАДОВ,**
**Б.ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

**Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат**

***Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги "Боғишамол" болалар оромгоҳида ҳашар уюштирилди. Оромгоҳ ҳудуди ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Айни пайтда гўзал манзара касб этган ушбу масканнинг ораста ва файзиёблигидан кўнгиллар ёришади.***

# ЭЗГУЛИК НИҲОЛЛАРИ

Шу кунларда вилоятда "Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат" шиори остидаги эзгу ташаббус кенг қулоч ёзмоқда. Меҳнат жамоаларида баҳорги юмушлар, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин тус олди. Маҳаллалар, кўча ва хиёбонлар саришта кўринишга келтирилаяпти, ариқ ва зовурлар тозаланиб, йўл бўйларига ниҳоллар ўтқазилаяпти.

Андижон шаҳридаги 43-умумтаълим мактабида уюштирилган "Кўчат сайли" тадбири катта шодиёнага айланиб кетди. 9-синф ўқувчиларининг ташаббуси билан ташкил этилган тадбирга мактаб жамоаси, маҳаллаларнинг ёши улуғ кишилари таклиф этилди.

Шу куни битирувчилар томонидан шафтоли, ўрик, арча ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Уларни парваришлаш 1-синф ўқувчиларига топширилди.

Тадбир доирасида ўғил болалар ўртасида палов, қизлар иштирокида эса сомса, чучвара ва сумалак тайёрлаш танловлари ўтказилди.

— Ёшларнинг бу ташаббуси кексаларга ҳам кўтаринкилик бахш этди, — дейди умрининг саксонинчи баҳорини қарши олаётган фахрий ўқитувчи Азимжон ота Аҳмедов. — Бугун ўтқазилган ниҳоллар фарзандларимиз билан тенг бўй чўза боради. Биз ниҳолларни парваришлашда мактаб жамоасига яқиндан ёрдам берамиз.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси эса аҳолига, томорқа ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи боғбонлар отрядлари ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди. Айни кунгача Андижон, Асака, Булоқбоши, Хўжаобод туманларида 30 та шундай гуруҳ фаолиятини бошлаб юборди.

Уларнинг ҳар бирига олти нафардан мутахассислар бириктирилган бўлиб, аксарияти қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

— Отряд аъзолари маҳалла фуқаролар йиғинларидан тушган буюртма асосида дарахтларга шакл бериш, парваришлаш, зарур пайтда кўчат экиб бериш билан шуғулланади, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Бахтиёржон Жўраев. — Ушбу ташаббус кўпчиликка маъқул бўлди.

Наврўз байрамини кўтаринкилик билан кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўраётган вилоят аҳлининг кўчат экиб, боғ-роғ яратиш, атрофни яшнатиш борасидаги ишлари ҳар жиҳатдан ибратга сазовор.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**"Ishonch" мухбири.**
**Хурсандбек АРАББОЕВ**
**олган сурат**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ПАРЛАМЕНТДАГИ КЎПЧИЛИК — ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***14 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламентнинг қуйи палатасида Демократик кучлар блокини тузиш масаласи муҳокама этилди.***

Мажлис иштирокчилари таъкидладиларки, мамлакатни демократик модернизация қилиш жараёнида ҳокимият бўлинишининг ва халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий принциплари асосида замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган парламент тизимини шакллантириш, давлат ҳокимияти органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг роли ва ўрнини ошириш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмларини шакллантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантиришда 2010 йил ноябрда парламент томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, шунингдек, 2010-2014 йилларда ушбу Концепция асосида амалга оширилган конституциявий ва қонунчилик ислоҳотлари муҳим аҳамиятга эга.

Конституцияни ривожлантириш тарихида илк маротаба мамлакатимизнинг Асосий қомусида парламент ва жамоатчилик назорати институти, уларни амалга ошириш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди. Шубҳасиз, сиёсий партиялар етуклигининг тобора юксалиб бораётгани, улар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги самарали фаолияти, шунингдек, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти савияси мазкур конституциявий ислоҳотларнинг энг муҳим пойдевори, уларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи шарти бўлди.

Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқаришда мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органининг ваколатлари ва имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирган мамлакатимиз Конституциясига киритилган охирги тузатишлар парламент фаолиятининг ҳамда унда ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда кучайтирди.

●○●●▶ 2

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***16 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу фракциянинг парламент кўпчилигини ташкил этган Демократик кучлар блокига нисбатан нуқтаи-назари муҳокама этилди.***

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон ХДП сайлов якунларига кўра Қонунчилик палатасида муносиб ўрин эгаллаб, ўз фракциясини шакллантирган ҳолда, дастурий мақсадлари ва партиядан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаган сайловчиларнинг манфаатларини изчил илгари суриш учун зарур имкониятга эга бўлди.

Йиғилиш иштирокчилари партия сайловолди платформасида белгиланган ғоялар ва вазифаларни янада илгари суриш масалаларини батафсил муҳокама этдилар ва парламентда кўпчиликни ташкил қилувчи Демократик кучлар блокига бирлашганлигини эълон қилган парламентдаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" Ўзбекистон демократик партияси фракцияларининг қарори хусусида Ўзбекистон ХДП фракциясининг нуқтаи-назарини ишлаб чиқдилар.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидландики, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ҳукумат Ҳаракат дастурида кўзда тутилаётган қатор муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш йўллари ҳақида сайловолди дастурида ўз нуқтаи назарини ифодалаган.

Шу муносабат билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг 25-1 моддасига амал қилган ҳолда, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясини парламентда кўпчиликни ташкил этаётган Демократик кучлар блокига мухолифат деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎзХДП фракциясининг парламентдаги мухолифат сифатидаги аввалги тажрибасидан келиб чиқиб, шунингдек, партиянинг дастурий вазифаларини инобатга олган ҳолда, фракция давлатнинг ижтимоий йўналтирилган йўлида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятдан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражаси ижтимоий ҳимояланганлигини доимий равишда ошириб боришни таъминлайдиган иқтисодиётдаги тартибга солувчи ролини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғояни илгари суради.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий устуворликлари қаторида энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол саватчаси) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш ва бу билан мазкур стандартларга мамлакатдаги ойлик иш ҳақи ва пенсиянинг энг кам миқдорлари мос келишини таъминлаш масалалари турибди. Шунингдек, партия аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларини давлат томонидан ушбу хизматлар тарифларини тартибга солинишини такомиллаштириш орқали хизматлар ҳақини мақбуллаштиришни аҳоли фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил деб ҳисоблайди.

●○●●▶ 2

2015-yil 17-mart, seshanba, № 35 (3540), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ ИФОДАСИ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Оролбўйи аҳолисининг бир миллион уч юз минг нафари ҳашарда қатнашди. 2382 гектар майдонда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилиб, 3724 тонна чиқиндилар белгиланган жойларга чиқарилди. "Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат" шиори остида 492819 туп манзарали, 302704 туп мевали дарахт, 370681 туп гул кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, 762065 туп дарахтга шакл берилиб, оқланди ва таги юмшатилди. Ҳашар давомида қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Хайрли ишларга жалб этилган 833 та техника кучидан унумли фойдаланилиб, 1417 километр ариқ ва зовурлар тозаланди. 1312 та оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, 712 нафар ногирон ва ёлғиз қарияга беғараз кўмак берилди. Жумладан, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларидан 924 нафарига ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

**АНДИЖОН.** Наврўз айёми олдидан ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари вилоятда ўзаро уюшқоқлик руҳида ўтди. 2 миллион 200 мингдан зиёд аҳоли вакиллари шаҳар ва қишлоқларни ораста, кўркам қиёфага келтириш, юрт чиройига ҳисса қўшишдек эзгу мақсад йўлида бирлашди. Кўкаламзорлаштириш ишларида фаоллик кўрсатиш учун бел боғлаганларнинг 1 миллион 700 дан зиёди ёшлардир. Икки кун давомида ҳудуддаги 4,5 минг гектар ер майдони ободонлаштирилди. Қарийб 3 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди, 69 та зиёратгоҳ, 872 та қабристон саранжом ҳолга келтирилди. 900 та техника ёрдамида 4 минг тоннадан ортиқ чиқинди чиқариб ташланди. 1,5 млн. тупдан кўпроқ манзарали, 2 млн. тупга яқин мевали кўчатлар экилди, 3,5 млн. тупдан зиёд гул ўтқазилди. 4 млн.дан ортиқ дарахтга шакл берилиб, оқланди. 1300 нафар кам таъминланган, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотганларнинг 34 минг кв.метр ҳажмдаги ҳовли-жойлари таъмирдан чиқарилди, уларга моддий ва маънавий кўмак берилди. Бу мақсадлар учун 72 млн. сўмлик маблағ йўналтирилди.

**НАМАНГАН.** Асрий қадриятлар тантанаси бўлмиш Наврўз арафасида ўтган ушбу ҳашарда вилоятдаги ҳар бир кўча, гузар ўзгача чирой очди. Бунда касаба уюшма аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаш ўринли.

— Туманимизда мавжуд 69 та умумтаълим мактаби, 46 та мактабгача таълим муассасаси, 10 та коллеж, 1 та академик лицей, 2 та мусиқа мактаби ҳамда 4 та БЎСМда ишловчи 9822 нафар ишчи-ходим ҳашарда сидқидилдан иштирок этди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман кенгаши раиси Муқаддас Фазлиддинова. — Манзарали дарахтларга шакл берилиб, янги гул кўчатлари ўтқазилди. Мавжуд қабристонлар тартибга келтирилиб, эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олинди.

**ФАРҒОНА.** Вилоятда "Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат" шиори остида 1 млн. 300 туп манзарали, 1 млн. 365 туп мевали дарахт, 1 млн. 200 туп гул кўчати экилди. Ҳашарчилар сони 2 млн. 549 минг нафардан ошиб кетди. Қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. 3393 гектар майдон обод қилинди. Жами 2 млн. тупдан зиёд дарахтлар оқланди.

**ЖИЗЗАХ.** Кўтаринкиликда ўтган хайрия ҳашарида тўққиз юз мингга яқин киши фаол қатнашиб, вилоятдаги 437 та қабристон, ўнлаб зиёратгоҳ ободонлаштирилди, бир миллион тупдан зиёд дарахтга шакл берилди, кўча ва хиёбонлар тозаланиб, бир миллион тупдан ортиқ гул кўчатлари экилиб, янги гулзорлар барпо этилди. Шунингдек, 823.773 туп мевали, бир миллион 171 минг туп манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазилиб, янги боғ ва хиёбонлар ташкил этилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояталаб ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдами кўрсатилди. 966 нафар фуқаронинг 46,1 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жойлари таъмирлаб берилди.

**САМАРҚАНД.** 1844526 мингдан зиёд аҳоли кўкаламзорлаштириш, теварак-атрофни тартибга келтириш юмушлари билан банд бўлди. 4557 гектар майдон ободонлаштирилди. 2463 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Ҳашарчилар саъй-ҳаракати билан 1324230 туп манзарали, 949650 туп мевали, 145600 туп гул кўчатлари ўтқазилди. 1761130 туп дов-дарахтларга шакл берилди. 2854 та қаровчисини йўқотган, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож оилалар истиқомат қилувчи уйлар жорий таъмирдан чиқарилди. 2436 та кам таъминланган, ногирон, ёлғиз кексаларга мурувват ёрдами кўрсатилди. 180 нафар уруш ва меҳнат фахрийси ҳолидан хабар олиниб, ижтимоий кўмак кўрсатилди.

**БУХОРО.** Умумхалқ ҳашари меҳнат байрамига айланиб кетди. Вилоятнинг шаҳар ва туман марказларида, қишлоқларида оммавий сафарбарлик ташкил этилди. Ҳашарда 957 минг 96 киши қатнашиб, 2578 гектар майдон ободонлаштирилди. 1281 километр ариқ ва лотоклар тозаланди. 909 та қабристон ободонлаштирилди.

Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Саййид Амир Кулол, Хожа Ориф Моҳитобон каби улуғ зотлар мангу қўним топган зиёратгоҳлардаги дарахтлар оқланди. Жойларда 442,8 минг туп дарахт, 420 минг туп гул кўчати ўтқазилди. Тадбирларга 1500 та техника жалб этилди. Ҳашар кунлари 177 та эҳтиёжманд оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Ушбу тадбирлар учун 87 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, моддий ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар ва якка-ёлғиз ногиронларга алоҳида ҳиммат кўрсатилди. 118 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

**ҚАШҚАДАРЁ** вилоятида 1 млн. 568 минг 696 киши ҳашарда қатнашиб, кенг кўламдаги озодалик ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга оширди. Жумладан, 4316 гектар майдон ободонлаштирилган бўлса, 6250 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари олиб чиқилди. 1944 километр ариқ ва лотоклар тозаланди.

Бундан ташқари, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди.

Шунингдек, ҳашарчилар 1141678 туп манзарали ҳамда 558 293 туп мевали дарахт кўчати ўтқазишди. 769702 дона гул экилди.

Обод хонадонда файз ва барака бўлади. Шу муносабат билан 1550 та уй-жой таъмирланди. 1510 та эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 571 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий кўмак берилди.

**СУРХОНДАРЁ.** Термиз шаҳри ва барча туманлардаги кўча ва ҳовлилар, 2500 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар, минглаб гектар майдонлар, қабристонлар тозаланиб, тартибга келтирилди. Бу юмушларни адо этишда бир миллиондан ортиқ киши иштирок этди.

— Халқимиз азалдан яшаётган ҳудудини, хонадонини покиза озода тутишга одатланган, — дейди Қумқўрғон туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулфия Дагарова. — Туманимизда икки кун давом этган ҳашарда Жўра ҳожи Менглибоев, Хушбоқ Холлиев, Файзи Маматмуродов, Обод Абдуллаева сингари кексаларимизнинг ҳар бири 24 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиб барчага намуна бўлишди.

— Ҳашар кунлари кўчалар, ҳовлилар тозаланиб, хиёбон ва майдонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов. — Шунингдек, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, якка-ёлғизлар, етимлар, беморлар ҳолидан хабар олинди. 120 та қишлоқ, 820 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳудудлари тозаланди.

**ХОРАЗМ.** Ҳашарда 762 мингга яқин аҳоли фаол иштирок этди. 2332 гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди, ариқ ва лотоклар тозаланди. 567 та қабристон, 37 та зиёратгоҳда ободонлаштириш тадбирлари уюштирилди. 844 хонадонда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан кўплаб ёши улуғ инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий кўмак берилди. 886 мингдан зиёд мевали, 994 мингдан зиёд манзарали дарахт, 991 мингдан зиёд гул кўчатлари экилди. Шунингдек, 851 минг тупга яқин дарахтга ишлов берилди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Ҳудуддаги 5 минг 714 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 2411 км. узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. 773 та зиёратгоҳ ҳамда қабристон тартибга келтирилди. Бу ишлар учун 1 минг 498 та техника воситаси жалб этилиб, тўпланган 8 минг 492 тонна чиқинди белгиланган жойга чиқариб ташланди. 1.339.8 минг дона манзарали, 1.367,7 туп мевали ҳамда 1.734.9 минг туп гул кўчати ўтқазилди. Кам таъминланган оилаларга турли ташкилотлар томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** Ҳашар пойтахтимизнинг барча туманларида уюшқоқлик билан ўтказилди. Мазкур тадбир барча корхона, ташкилот ҳамда муассасада юқори савияда ташкил этилиб, тадбирда 1 млн. 113 мингдан зиёд киши иштирок этди. 696.4 км. ариқ ва зовурлар тозаланиб, кўп қаватли бинолар, ҳовлилар атрофи, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳу қабристонлар, болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Умумхалқ ҳашари давомида маҳаллалар ҳудудида 32 минг тупдан зиёд манзарали, 59 минг тупга яқин мевали дарахт ҳамда 195 минг тупдан зиёд гул кўчатлари экилди.

Жумладан, Миробод туманидаги «Сарикўл» маҳалласида ёшу қари бирдек ҳашарда иштирок этди. Маҳалла ҳудудидаги Хотира майдони, «Ёпиқли ота» қабристони ҳамда масжид атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар атрофи тозаланиб, дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

**СИРДАРЁ** вилоятидаги барча ташкилот, муассаса ва корхоналар, фуқаролар йиғинлари ҳудудида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Ҳашарда 586840 нафардан зиёд юртдошимиз қатнашди, уларнинг 361662 нафарини ёшлар ташкил этди.

Икки кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан вилоятнинг 1765,6 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳашар давомида 3953,3 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Ҳашар кунларида 1133,2 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Бундан ташқари, 479657 туп манзарали ва 246176 туп мевали дарахт ниҳоллари ҳамда 203416 туп гул кўчатлари ўтқазилди.

Умумхалқ ҳашарининг яна бир муҳим жиҳати бу қон қонимизга сингиб кетган инсонпарварлик, олижаноблик, саховатпешалик туйғуларининг янада сайқалланишидир. Ҳар йилги анъанага кўра, бу галги хайрия ҳашарида ҳам кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга кўрсатилган меҳр-мурувват ёрдамлари кўлами ҳар қачонгидан ҳам кенг бўлди. Хайрия ҳашари кунларида 375 та эҳтиёжманд оилаларнинг 10928,0 метр квадрат майдондаги уй-жойлари таъмирланди.

**НАВОИЙ** вилоятининг барча шаҳар ва туманларида умумхалқ хайрия ҳашари катта уюшқоқлик билан ташкил этилди. 1983 га ер майдони ободонлаштирилиб, 2740 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари ташиб чиқарилди. 2740 км. ариқ-лотоклар тозаланиб, қабристон ҳамда зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 316115 туп манзарали, 599566 туп мевали дарахт кўчатлари яхши ниятлар билан ўтқазилди.

**Ўз мухбирларимиз**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ПАРЛАМЕНТДАГИ КЎПЧИЛИК — ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Иқтисодий, сиёсий, гуманитар ва суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришга доир энг муҳим масалалар юзасидан ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" ДП нуқтаи назарлари ҳамда дастурий мақсадларининг яқинлигини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни демократик янгилаш вазифаларини самарали рўёбга чиқаришда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида қўшма мажлис иштирокчилари ушбу икки партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан таркиб топган, Қонунчилик палатасида парламентдаги кўпчиликни ташкил этувчи Демократик кучлар блокини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 2-моддаси блокни ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб, унда бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий мақсад-вазифаларининг яқинлигидан ёки ўхшашлигидан келиб чиққан ҳолда, парламент кўпчилигини тузиши мумкинлиги назарда тутилган.

Бундай амалиёт ривожланган демократик мамлакатларнинг парламентларида кенг татбиқ этилмоқда.

Мажлис иштирокчилари парламентнинг аввалги чақириқларида Демократик блок фаолият кўрсатганлиги кўпчилик овозга эга бўлган ҳолда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари фаолияти самарадорлигини кучайтиришга, шунингдек, уларнинг сайловолди платформасида белгиланган устувор дастурий вазифаларини амалга оширишга имкон яратишини кўрсатганлигини таъкидладилар.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастурини самарали ижро этишни Демократик кучлар блокининг асосий мақсадлари сифатида белгилаб олиш зарурлиги қайд этилди.

Бу мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, миллий анъаналар ва қадриятларни сақлаш учун, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир вазифаларни самарали ва муваффақиятли амалга ошириш учун ҳаётий муҳим қонунларни киритиш ва илгари суришни, хусусий мулкни, тадбиркорлик ишини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни назарда тутади.

Демократик кучлар блоки икки партия фракциялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида амал қилади. Блокка бирлашган партия фракциялари масалаларни олдиндан муҳокама этиш ва улар бўйича яқдил нуқтаи назарни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ўз дастурий мақсад-вазифаларига мувофиқ фаолият кўрсатиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қоладилар.

Муҳокама якунларига кўра Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциялари қўшма фаолиятининг асосий шартлари ва устувор йўналишларини назарда тутувчи икки томонлама Битим имзоланди.

***

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларининг қўшма брифинги бўлиб ўтди. Брифингда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Парламент фракцияларининг раҳбарлари Олий Мажлис қуйи палатасида ташкил этилган Демократик кучлар блокининг мақсадлари ва устуворликлари, унинг биринчи навбатдаги вазифалари тўғрисида батафсил ахборот бердилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан батафсил ахборот олдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Партия, шунингдек, аҳоли бандлигини ташкил қилишнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, аввало ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг асосий мезонлари, уларни ҳаётга татбиқ қилишда яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш тарафдоридир.

Ушбу устувор масалаларда ЎзХДП Демократик кучлар блокига бирлашган партияларнинг фракциялари нуқтаи назаридан фарқ қиладиган ўзи тутган йўлнинг ечимларини таклиф этиш ва илгари суришга тайёр.

Фракциянинг тегишли баёнотида Ўзбекистон ХДП фракцияси Қонунчилик палатасида партиялараро рақобатнинг қонунда назарда тутилган механизмларидан, ҳуқуқ ва ваколатларидан парламент воситалари орқали партиянинг сиёсий устувор-ликлари ва дастурий мақсадларига қатъий эришиш, давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишончли ижтимоий кафолатларга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини изчил ифодалаш ва ҳимоя қилиш, мазкур манфаатларни Қонунчилик палатасида қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда самарали инобатга олишга кўмаклашишда фаол ва масъулият билан фойдаланиш ниятида эканлиги таъкидланди.

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси мамлакатимизда аккредитация қилинган маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари учун брифинг ўтказди.

Парламент фракцияси вакиллари фракция устуворликлари, парламентдаги мухолифат сифатидаги энг муҳим вазифалари ҳақида батафсил маълумот бердилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олдилар.

***

16 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясини парламентдаги кўпчиликка нисбатан мухолиф деб эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларининг парламентдаги кўпчиликнинг Демократик кучлар блоки тузилганлиги тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган бундан кейинги ўз фаолиятларини муҳокама қилдилар.

"Адолат" СДП ҳамда янгидан тузилган Демократик кучлар блоки нуқтаи назарларида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш устувор йўналишлари юзасидан айрим тафовутлар мавжудлиги фракция аъзолари томонидан қайд этилди.

"Адолат" СДП учун ўта муҳим бўлган бизнеснинг ижтимоий масъулияти даражасини ошириш, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини фаол ривожлантириш, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида давлат назоратини кучайтириш, корхоналарга уларнинг ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигидан келиб чиқиб, солиқ имтиёзларини бериш каби масалалар парламентдаги кўпчиликнинг ғоялари ва муштарак фаолияти йўналишларида етарлича акс этмаганлиги алоҳида қайд этилди.

Шу боис, йиғилишда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонунда белгиланган нормаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясини парламентдаги мухолифат деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинди.

Қонун нормаларига мувофиқ ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Йиғилиш иштирокчилари таъкидладилар-ки, мухолифат сифатида "Адолат" СДП фракцияси ўзига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланиб, парламентда ўз электорати саналган юқори малакали мутахассислар ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар ҳамда Ўзбекистонни кучли, нуфузли, ҳар томонлама ривожланган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат шароитларида яшашни ҳоҳлайдиганларнинг манфаатларини изчил ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан мамлакатимизда аккредитация қилинган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига брифинг ташкил этилди.

Фракция аъзолари парламентдаги мухолифат сифатидаги бирламчи вазифалари ва устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтдилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати**

# КАСАБА УЮШМА БОҒИ

***Тошкент шаҳар Миробод туманида ўтказилган хайрия ҳашарида касаба уюшма фаоллари ҳам уюшқоқлик билан иштирок этишди. Жумладан, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси, тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашлари, олий ўқув юртлари бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамкорлигида "Олтинкўл" ҳамда Абдурауф Фитрат маҳаллаларида янги боғлар барпо этилди.***

— Наврўз муносабати билан "Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат" шиори остида бунёд этилган боғимизга 50 туп мевали, 16 туп арча ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари экилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси А.Раҳмонов. — Ҳашарда 46 нафар касаба уюшма фаоли ҳамжиҳатликда меҳнат қилди.

Бундан ташқари, ҳашар давомида дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Кўчалар, уйлар атрофи ва ариқлар тозаланди, йиғилган чиқиндилар олиб чиқиб ташланди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

**Гўзал НОРЧАЕВА, "Ishonch" мухбири**

2015-yil 17-mart, seshanba, № 35 (3540), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▽Тил билган — эл билади

***Юртимиз умумтаълим мактабларида чет тилини ўқитиш тизимини тубдан ўзгартириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Европа Кенгашининг «Чет тилини билишнинг умумевропа компентенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш» (CEFR) талабларига таянган ҳолда халқаро экспертлар билан ҳамкорликда узлуксиз таълим тизимининг янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида ҳафтасига икки соат чет тилини ўқитиш йўлга қўйилди.***

# ЯНГИ ДАРСЛИК СИНОВИ

Шунингдек, фан дастурига мувофиқ 3-синф ўқувчилари учун «Kid's english» дарслик мажмуаси яратилиб, жорий йилнинг феврал ойидан республикамиз бўйича жами 100 га яқин умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Жумладан, Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактабида ушбу дарслик мажмуа синовлари жараёнига бағишлаб ташкил этилган медиа-тур унинг илғор жиҳатларини очиб берди.

— Янги ўқув мажмуани ўқувчилар билан биргаликда тажрибадан ўтказаяпмиз, — дейди 249-мактабнинг бошланғич синф чет тили ўқитувчиси Раъно Йўлдошева. — Ҳар бир дарсдан сўнг ўтилган мавзу бўйича болалардан сўровнома оламиз. Педагог сифатида биз ҳам ўз фикрларимизни берамиз. Бу амалиётлар натижасида дарслик мажмуалари такомиллаштирилади.

— Ушбу дарслар жуда ҳам қизиқарли экан, — дейди 3-синф ўқувчиси Шафоат Дилмуродова. — Инглиз тилидаги қўшиқлар, ўйинлар кўмагида ўтилаётган ҳар бир мавзуни тез ва яхши ўзлаштиряпмиз. Чет тилида бемалол гаплашаётган ака-опаларимга ҳавасим келарди. Энди мен ҳам инглизчада улардек равон сўзлаша оладиган бўламан.

Шу ўринда айтиш керакки, 2015 йилдан бошлаб амалдаги малака ошириш тизимига қўшимча равишда ўқитувчиларни узлуксиз тайёрлаш бўйича курслар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг бошидаёқ А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда тренер-ўқитувчиларни тайёрлаш курслари ташкил этилди. Шунингдек, чет тили бўйича таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида «Маҳорат мактаблари» фаолият юрита бошлади.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**"Ishonch" мухбири.**
**Муаллиф олган сурат**

Реклама ва эълонлар

**«Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 20 февралдаги 9а-сонли буйруғи, Бухоро вилоят Қоракўл туман ҳокимининг 2014 йил 10 октябр 1074-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер майдонлари мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.

**1. Қоракўл тумани "Дўстлик" МФЙ, Тинчлик кўчаси ҳудудидан 1-,2-,3-,4-,5-,6-,7-,8-,9-,10-, 11-,17-,18-сонли якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ҳар бирининг сатхи 400,0 кв.метрдан иборат жами 13 та ер майдонлари. Ер майдонларига бўлган ҳуқуқлар ҳар бирининг бошланғич баҳоси 292 600 сўм.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Аукцион савдолари 2015 йил 16 апрел куни соат 11:00 да Савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати 2015 йил 15 апрел куни соат 18:00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда** Ўзбекистон Республикаси фуқароси — паспорт нусхаси; хорижий юридик шахслар — уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси: хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт; Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси; юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари 2015 йил 16 апрел куни соат 11:00 да Савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2015 йил 16 апрел куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 23-,30 апрел ва 7-,14 май кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00 да тўхтатилади. Буюртманомаларни иш кунлари (яъни шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо кунига қадар "Spartak konsalting" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар, "Ипотека банк» Сардор филиали қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р:20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286.

**Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. Тел.: (0365) 221-51-81,**
**E-mail: spartak-konsulting@umail.uz.**
**Веб-сайт: www.sk7.uz.**
**Лицензия: RR 0079.**

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

2015 йил 17 апрел куни соат 11:00 да мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига "Бухоро" халқаро аэропорти ҳисобидаги 1995 й. и/ч "ГАЗ-330210" русумли, д/р 80 263 НАА, бошланғич баҳоси 2 800 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Савдолар "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг савдолар залида ўтказилади.

Шунингдек, 2015 йил 17 апрел куни соат 15:00 да мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Пешкў туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳисобидаги 2004 й. и/ч "Дамас" русумли, д/р 80 706 ОАА, бошланғич баҳоси 7 050 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Савдолар Пешкў туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг маъмурий идора биносида ўтказилади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан Сотувчининг вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда кейинги аукцион савдолари 2015 йил 24 апрел ҳамда 1-,8-,15 май кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аризалар мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 16:00га қадар Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 ва 15:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишувни" имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини Савдо ташкилотчисининг "Турон банк" Бухоро вилоят филиалидаги МФО: 00111, СТИР: 302083379, 20208000104932168019 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда. Савдода қатнашиш учун қизиқиш билдирган талабгорлардан қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Мурожаат учун тел.: (365) 221-51-55 e-mail: uainvest@mail.ru. Гувоҳнома № 004059. Хизматлар лицензияланган.

▽Конференция

# КЕКСАЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

***Пойтахтимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.***

Унда Давлат дастурига киритилган вазифалар ва уларнинг амалга оширилиши ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ҳамда тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан рағбатлантириш мақсадида бир марталик пул мукофотлари бериш, уларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган аналогли ва рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган телевизорлар билан бепул таъминлаш, санаторийларга бораётганларга йилда бир марта темир йўл транспортида бепул юриш, шунингдек, ҳаво транспорти йўлкираси қийматининг эллик фоизини чегириш (бориш ва қайтиш) ҳуқуқини кафолатлаш каби кўплаб қулайлик ва имтиёзлар акс этгани таъкидланди.

Тадбирда иштирокчилар Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун масъул бўлган қатор вазирлик ва идоралар фаолияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

▽Матбуот анжумани

***Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани уюштирди.***

***Тадбирни давлат қўмитаси раис ўринбосари Рустам Аминов олиб борди. Унда мавзуга доир бир қанча маърузалар тингланди.***

# БИР ЙИЛДА 4725 ТА МУРОЖААТ

Таъкидландики, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш борасида изчил фаолият юритилаётир. Жумладан, оммавий ахборот воситаларида режали чиқишлар йўлга қўйилди. Жойларда ўтказилаётган семинарлар, брифинглар, давра суҳбатлари самарали кечаётир. Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда марказий ва тижорат телерадиоканаллари орқали қонунчилик талаблари бўйича ижтимоий роликлар намойиш этилмоқда. Ҳафталик «Истеъмолчи»-Потребитель» газетаси чоп этиляпти. Интернет ресурсларида махсус (www.istemolchi.uz ва www.potrebitel.uz) портали фаолият кўрсатмоқда. Савдо ва маиший хизмат шохобчалари ҳамда турли объектларда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид плакатлар, баннерлар жойлаштирилган.

Ўтган йили қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жами 4725 та мурожаат тушди ва уларни ўрганиб чиқиш натижасида истеъмолчиларга 1,2 млрд. сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинди. Фуқароларнинг коммунал соҳалардаги, хусусан, табиий газ ва электр таъминотидаги мурожаатларини жойида ўрганиб чиқиш ва тезкор ҳал қилиш бўйича ҳам жиддий саъй-ҳаракатлар кўрсатилаётир. 2014 йил якунига кўра, жами 12331 истеъмолчи қабул қилиниб, муаммоларига ечим топилишида кўмаклашилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

**Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси**

2015 йилги Инвестиция дастурига киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан такроран очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

**Лот 6-4. «Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги Сармижон ҚФЙ «Шохомбек» аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 880 ўқувчи ўринли 26-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 360 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши»**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** — 1 728 700 389 сўм (ҚҚС билан), 1 440 583 657 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** — 2015 йил 1 сентябр.

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.**

**Хизматлар лицензияланган.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси «Qishloq hayoti» газетасининг 2014 йил 4 декабрдаги 144-сонида берилган эълондаги 2015 йилги Инвестиция дастурига киритилган Лот 3-4. «Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги Кўкча ҚФЙ «Ширинобод» аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 55-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 96 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши» объектининг физик иш ҳажмларига ўзгартириш киритилганлиги сабабли, эълонда берилган бошланғич қиймати ва қурилиш муддати ўзгарганлигини маълум қилади:

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 502 635 880 сўм (ҚҚС билан), 418 863 233 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати – 2015 йил 1 сентябр.

Ўзгартириш киритилган физик иш ҳажмларини олиш учун танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

**Хизматлар лицензияланган.**

Реклама ва эълонлар

**«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Ishonch» газетасининг 2015 йил 3 мартдаги 29 (3534)-сонида берилган аукцион савдолари хабарномасига тузатиш киритилди. Аукцион савдолари хабарномаси қуйидаги таҳрирда ўқилсин.**

**2015 йил 15 апрел соат 11:00 да** Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «MURUVVAT-TEKS» масъулияти чекланган жамиятининг 13.03.2015 йилдаги 82-сонли буюртмасига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси, 258-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 10 826,0 кв.метр, қурилиш майдони 7 013,0 кв.метрдан иборат қурилиши тугалланмаган тикувчилик цехи бино ва иншоотлари мужассам ҳолда 10 % (фоиз) арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич нархи:** 18 000 000 000 (ўн саккиз миллиард) сўм.

**Фаолият ихтисоси:** Тадбиркорлик ва объект негизида истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 30 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2015 йил 15 апрел кунидаги савдо учун 14 апрел, 30 апреддаги савдо учун 29 апрел кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамиятининг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ва уставнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

**Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.**

Манзил: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru. Хизматлар лицензияланган.

**ТУЗАТИШ!**

"Navoiy mulk markazi" МЧЖ томонидан ""Ishonch" газетасининг 2015 йил 17 февралдаги 23 (3528)-сонида чоп этилган хабарномадаги, 2015 йил 19 март куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйилган 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 803 FAA бўлган "ДАМАС" русумли автотранспорт воситаси ўрнига, 1998 йилда ишлаб чиқарилган,давлат рақами 85 803 FAA бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси деб ўқилсин.

**Манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри Жасорат (П.Очилов) кўчаси 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605. Хизматлар лицензияланган.**

2015-yil 17-mart, seshanba, № 35 (3540), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▽ Қадрият

# ФАЙЗЛИ АЙЁМ ШУКУҲИ

**Байрамлар ярашган обод юртимизнинг ҳар бир куни тантанаю қувончларга тўла. Уларнинг орасида, айниқса, миллий байрамлар кўнглимизга ўзгача илиқлик бахш этади.**

Ўша пайтларда гўдак бўлсамда, кечагидек ёдимда: истиқлолнинг илк эпкинлари Наврўз шукуҳини олиб келганлиги ёшу қари кўнглини ўзгача завққа тўлдирганди. Қишлоғимизда деярли ҳар бир хонадон, маҳалла, мактабу боғчаларда ишловчилар жамоаси ўзига хос тарзда Наврўз мусобақасига киришар, тонгдан кечга қадар сайил давом этарди. Бу байрамга қишлоқдошларимизнинг ўзгача ташналик билан интилиши сабабини кейинроқ англадим.

Наврўзнинг халқимиз қонқонига сингиб кетган қадрият эканлигини билган истилочилар уни биздан айиришга бир муддат эришган экан. Бунинг асл сабаби Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори Скобелевнинг: "Агарда сен бирон-бир миллатни енгмоқчи бўлсанг, аввало унинг урф-одатини, динини йўқ қил, шундагина бу миллат ўзўзидан тугайди ёки сенга таслим бўлади" деган "ўгит"и билан боғлиқлиги кундай равшан эди. Зеро, бобомерос бу байрамимиз шунчаки ўйин-кулги воситаси эмас, миллатнинг улуғ фалсафасини ўзида жо этган удумдир. У она табиатга меҳр уйғотади, оёқ қўйиб турганимиз заминни авайлашга ўргатади, эзгулик ҳамиша ғолиб бўлиши, шунинг учун ҳам фақат яхшилик қилиш лозимлигини қалбимизга жо этади. Ушбу айёмда ободончилик, бунёдкорлик, кўчат ўтказиш авж паллага киради. Оқибат иплари янада мустаҳкамланиб, қавму қариндош қаторида меҳрга муҳтож бегоналар ҳолидан ҳам хабар олинади.

ЎзА сурати

Тўқсон кундан ортиқ этларни жунжиктирган аёз Наврўз туфайли ортга чекинади. Айни шу кундан бошлаб, табиат инсониятга бор сахийлигини кўрсата бошлайди. Буни рамзий кўринишда халқимиз ҳаёти билан таққослаш ҳам мумкин. Бир муддат давом этган истибдод аёзига қарши ҳар бир ўзбек доно Йўлбошчи раҳнамолигида қўлни қўлга бериб истиқлол томон дадил интилди.

Энди бу юртда эзгу амаллар авваллардагидек яширинча амалга оширилмайди, сумалаклар бекитиқча пиширилмайди, лапару ялла куйланмоққа шайланган қиз-жувонлар хоҳиши ҳадикка ўралмайди. Бугун яхшилик ғолиб юртимизда яна Наврўз қўшиқлари баралла куйланмоқда, Янги кунда ерга уруғ сепилиб, кўчат қадалмоқда. Меҳр-оқибат рамзи бўлган сумалаклар улашилмоқда. Бутун юрт катта тўй оғушида. Наврўзга ёруғ юз билан "Хуш келдинг!" дея пешвоз чиқаяпмиз.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Muassis:** O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir v.b.** Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:** Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

**Bo'limlar:** Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

**Hududlardagi muxbirlar:** Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

**Nashr ko'rsatkichi:** 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:35
Topshirildi — 22:10

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 315 20844 nusxada bosildi 23456